

UDK: 347.471 (042)(575.1)  
ORCID: 0000-0002-1512-9013

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ: ЗАРУРАТ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

**Якубов Шухрат Умматалиевич,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси профессори в.б.,  
юридик фанлар доктори (DSc), доцент,  
e-mail: shuhrat.yakubov.uzb@gmail.com

**Аннотация.** Ушбу мақолада жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг замонавий йўналиши ва янги ғояси таклиф этилган. Бу – жамоатчилик назоратини рақамлаштириш. Барча соҳаларда рақамлаштириш ижобий натижага олиб келаётгани каби бу метод ҳам жамоатчилик назоратини янада кучайтиради, унинг таъсири ва амалий аҳамиятини оширади. Ҳозирга қадар жамоатчилик назоратини рақамлаштиришнинг илмий асослари чуқур тадқиқ қилинмаган. Чунки бу янги йўналиш ҳисобланади. Мазкур тадқиқот иши кузатиш, умумлаштириш, аксиоматик ва қиёсий методлар асосида амалга оширилди. Жамоатчилик назоратига оид амалиёт кузатилди. Мавжуд ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалий ижроси ўрганилди. Натижада жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги айрим муаммолар, хусусан, мавжуд нормаларнинг ишламаслиги ва унинг сабаблари аниқланди. Фуқаролар томонидан олиб бориладиган назоратнинг оддий ва самарали усуллари амалиётга татбиқ этилмаган. Электрон ҳисобот беришнинг ҳуқуқий механизмлари тўлиқ шаклланмаган. Жамоатчилик муҳокамаларини рақамли технологиялар орқали ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Умуман, жамоатчилик назоратини амалга оширишда реал ҳаётнинг вазиятлар эътиборга олинмаган. Мазкур муаммолар ҳал этилиши учун, албатта, жамоатчилик назоратини рақамлаштириш керак, деган хулосага келинди. Оддий фуқароларга қулайлик яратилиши зарур. Давлат органи ва унинг мансабдор шахси фаолияти устидан кучли назорат ўрнатилиши шарт. Бу қонун устуворлигини таъминлайди. Мақолада ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар таҳлилдан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** электрон жамоатчилик назорати, электрон ҳисобот, жамоатчилик муҳокамаси, рақамли технологиялар, жамоатчилик назорати объекти ва субъектлари.

### ЦИФРОВИЗАЦИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ: НЕОБХОДИМОСТЬ И ПЕРСПЕКТИВЫ

**Якубов Шухрат Умматалиевич,**  
и.о. профессора кафедры “Конституционное право”  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук (DSc), доцент

**Аннотация.** В статье предлагается современная, новая идея повышения эффективности общественного контроля – его цифровизация. С учетом того, что цифровизация приводит к положительным результатам во всех сферах, данный метод еще более усилит общественный контроль, повысит его действенность и практическое значение. До сих пор научные основы цифровизации общественного контроля глубоко не изучены, т. к. это направление новое. Данное исследование проводилось на основе наблюдательного, обобщающего, аксиоматического и сравнительного методов. Проведены практические наблюдения, касающиеся общественного контроля. Изучены существующие правовые основы и их практическая реализация. В результате выявлен ряд проблем в сфере осуществления общественного контроля, в частности: несоблюдение

действующих норм и его причины; на практике не применяются простые и эффективные методы контроля со стороны граждан; не в полной мере сформированы правовые механизмы электронной отчетности; отсутствует практика организации публичных дискуссий с помощью цифровых технологий. В целом можно отметить, что при осуществлении общественного контроля не учитываются реальные жизненные ситуации. В целях решения этих проблем сделан вывод о том, что необходимы цифровизация общественного контроля, создание удобства для простых граждан, строгий контроль за деятельностью государственного органа и его должностных лиц. Это будет способствовать обеспечению принципа верховенства закона. В заключении на основе анализа существующих проблем в данной области представлены предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** электронный общественный контроль, электронная отчетность, общественное обсуждение, цифровые технологии, объекты и субъекты общественного контроля.

## DIGITALIZATION OF PUBLIC CONTROL: NECESSITY AND PERSPECTIVES

**Yakubov Shukhrat Ummatalievich,**

Doctor of Law (DSc), Associate Professor,  
Tashkent State University of Law,  
Professor of the Department of Constitutional Law

**Abstract.** The article proposes a modern, new idea of increasing the efficiency of public control. This is the digitalization of public control. Given the fact that digitalization leads to positive results in all areas, the method further strengthens public control. Will increase its effectiveness and practical value. Until now, the scientific foundations of digitalization of public control have not been deeply studied. Because this is a new direction. The research was carried out on the basis of observational generalizing axiomatic comparative methods. Observations were made on the practice of public control. The legal foundations and their practical implementation have been studied. As a result, a number of problems were identified in the sphere of public control. In particular, non-compliance with the applicable norms and their reasons. In practice, simple and effective methods of control by citizens are not used. Legal mechanisms of electronic reporting are not fully formed. The practice of organizing public discussions using digital technologies has not been formed. In general, real life situations are not taken into account when exercising public control. For the purpose of these problems, it was concluded that digitalization of public control is necessary. Conveniences should be created for ordinary citizens. It is necessary to control the activities of the state body and strictly its persons. This will ensure the rule of law. Based on the analysis of problems in this area, proposals and recommendations are presented.

**Keywords:** electronic public control, electronic reporting, public discussion, digital technologies, objects and subjects of public control.

### Кириш

Давлат ва жамият бошқарувига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурати кундан кунга ортиб бормоқда [1]. Ҳозирги куннинг ана шундай долзарб масалаларидан яна бири жамоатчилик назоратига замонавий рақамли технологияларни татбиқ этиш ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати – давлат органлари фаолияти устидан фуқаролар ва кенг жамоатчилик томонидан олиб бо-

риладиган назоратнинг алоҳида тури [2]. У нисбатан замонавий, демократик ва самарали назорат ҳисобланади [3]. Жамоатчилик назорати давлат назоратига нисбатан самаралидир [4].

Қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик назорати жуда катта аҳамиятга эга [5]. Жамоатчилик назоратининг амалда самарали жорий этилиши орқали давлат органлари фаолиятида қонунийлик таъминланади [6].

Ахборот-коммуникация технологиялари, рақамлаштириш кун сайин шиддат билан ривожланмоқда. Уларни амалда қўллашнинг янги-янги шакллари пайдо бўлмоқда. Фуқароларнинг бундай технологиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда. Бу жамоатчилик назоратини рақамлаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Ҳозирга қадар ушбу масала деярли тадқиқ этилмаган. Россиялик олим С.М. Зубарев тадқиқотларида мазкур мавзуга алоқадор фикрларни учратиш мумкин. Унда, асосан, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги жамоатчилик муҳокамаси ва ушбу жараёнларда рақамли технологиялардан фойдаланиш таҳлил этилган [7].

Ундан фарқли равишда биз кўпроқ давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан олиб борилган жамоатчилик назоратини рақамлаштиришга эътибор қаратдик.

### **Материал ва методлар**

Жамоатчилик назоратини рақамлаштириш янги йўналиш бўлганлиги сабабли унинг илмий асослари ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқ қилинмаган. Мазкур тадқиқот иши кузатиш, умумлаштириш, аксиоматик ва қиёсий методлар асосида амалга оширилди, жамоатчилик назоратига оид амалиёт кузатилди, мавжуд ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалий ижроси ўрганилди. Натижада жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги айрим муаммолар, хусусан, мавжуд нормаларнинг ишламаслиги ва унинг сабаблари аниқланди.

Қонун устуворлигини таъминлашда электрон жамоатчилик назоратининг ўрни қандай бўлиши кераклиги тадқиқотимиз объектини ташкил этган.

### **Тадқиқот натижалари**

Технологияларнинг шиддат билан янада кенг тараққий этишига айрим олимлар эътирофича, “ҳуқуққа янги субъект сифатида киришга даъво қилаётган” [8] жаҳон ахборот тармоғи – интернет жуда катта

таъсир кўрсатмоқда. “Агар глобал нуқтаи назардан қаралса, бугун башарият жаҳон иқтисодиёти тармоқлари, инсонлар ҳаёти, турмуш асослари ўзгариши билан боғлиқ қизиқ даврни бошдан кечирмоқда. Бу барча технология ва компьютерлар интернет орқали ўзаро боғланиб бораётгани билан изоҳланади. Маълумотларга қараганда бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма жаҳон “ўргимчак тўри”га уланган. Яқин беш йил ичида улар сони йигирма миллиардга етиши кутилмоқда [9]”.

Тадқиқот давомида охириги йиллардаги жамоат назорати натижалари илмий таҳлил этилди. Унда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб борилганлари ажратиб олинди. Натижада уларнинг анъанавий усулларда олиб борилганларга нисбатан кенг қамровли, таъсирчан ҳамда самарадор экани кузатилди. Хусусан, ҳозирги кунда давлат органлари мансабдор шахсларига таъсир кўрсатишнинг энг мақбул воситаси электрон ресурслар, рақамли технология ва ижтимоий тармоқлардир.

Шу жиҳатдан жамоатчилик назоратини рақамлаштириш заруратга айланмоқда. Шунингдек, электрон жамоатчилик назоратининг илмий-назарий ва амалий жиҳатини тадқиқ этишга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Электрон жамоатчилик назорати жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилишидир. Бу жамоатчилик назорати субъектлари томонидан рақамли технологияларнинг имкониятидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари хизмат фаолияти устидан олиб борадиган назоратнинг янгича кўринишидир.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларига рақамли технологиялар жорий этилаётгани бугун амалиётда кўп кузатилмоқда. Масалан, фуқаролар томонидан давлат органлари ва уларнинг

мансабдор шахслари фаолиятида қонун устуворлигига риоя этилиши ҳолатини доимий кузатиш, баҳо бериш ва назорат қилишга уринишлар кучаймоқда. Сўнгги вақтларда турли давлат органлари ходимлари фаолиятини ижтимоий тармоқлар орқали кенг муҳокама қилиш, улар ҳаракатларининг қонунийлиги юзасидан муносабатлар билдириш ҳолатлари кузатилаётир. Ёки айрим мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқалиб, катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Аҳоли бунга давлат органларининг расмий муносабатини талаб қиляпти. Ўз навбатида, давлат органларининг аксарият масъуллари ҳам жамоатчилик назорати субъектларининг қонуний талабларини бажаришга, тегишли чора-тадбирларни кўришга, оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, тегишли ҳолат юзасидан тушунтиришлар, баёнотлар беришга мослашиб бормоқда. Қайси давлат органи бу жараёнларга жиддий эътибор қаратаётган, жамоатчилик фикрига тезкор муносабат билдираётган, фуқаролар билан ишлашда замонавий ёндашувлардан самарали фойдаланаётган бўлса, аҳоли ўртасида ўшанинг нуфузи ортиб борапти.

Амалиётда юзага келаётган бундай янгича ижтимоий муносабатлар мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга ҳам туртки бўлмоқда. Масалан, 2020 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон ҳуқуқат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, ҳокимлар жамоатчилик олдида ярим йиллик ва йил якуни бўйича фаолиятига оид электрон

ҳисобот бериши тартиби жорий этилди. Ҳисоботлар аввал расмий веб-сайтда, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда жойлаштирилади, марказий (ҳудудий) босма ОАВларда эълон қилинади, сўнгра ташкилотларнинг расмий веб-сайти ва биринчи раҳбарларнинг ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлари орқали брифинг ва матбуот конференциялари кўринишида онлайн трансляциялар ташкил этилади. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга ислоҳот бўлиб, давлат бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик назорати доирасига олиш учун қулай шарт-шароит яратади. Жамоатчилик назорати субъектларига давлат амалдорлари фаолиятини кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳо беришга имкон беради [10].

Амалиётда электрон жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари шаклланиб бораётганига қуйидаги яна бир мисолни кўрсатиш мумкин. 2020 йил 12 август куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси электрон порталига Ўзбекистон Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хизмат автотранспортларидан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Унинг 7-бандида “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2021 йил 1 январга қадар аҳолига хизмат автотранспортларидан хизмат мақсадида фойдаланилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видеоматериалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган махсус веб-портални яратсин ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриш тизими-

ни жорий этсин” мазмунидаги норма мавжуд. Бу ҳам махсус электрон веб-портал яратиш орқали жамоатчилик назоратини электрон воситалар орқали амалга жорий этишни англатади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш имконини берувчи “E-Anticor.uz” электрон платформаси *яратилди*.

Шунингдек, коррупция ҳолатлари ҳақида Коррупцияга қарши курашиш агентлигини хабардор қилиш имконини берувчи *махсус мобиль дастурий таъминот ташкил этилгани ҳам бу йўналишдаги муҳим қадамдир*.

*Ўзбекистонда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашга жиддий киришилди. Махсус қонун қабул қилинди. Алоҳида агентлик ташкил этилди. Коррупция ҳақида хабар берганлик учун рағбатлантириш механизмлари жорий этилди.*

2020 йил 31 декабрь куни Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилингани эътиборга молик.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 37-моддасида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўриш белгиланган.

АҚШ, Буюк Британия, Канада, Жанубий Корея, Руминия, Сербия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш кўзда тутилган.

Ушбу мамлакатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш борасидаги бу каби чора-тадбирлар фуқароларни мазкур жараёнга кенг жалб қилиш ва уларнинг фаоллигини ошириш билан бир қаторда коррупцияга оид жиноятлар

сонининг кескин камайишига ижобий таъсир қилган.

Биргина Қозоғистонда 2017–2019 йилларда давлат бюджетда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун 708 нафар шахс 99 млн тенге (2,4 млрд сўм), 2020 йилнинг 1-чорагида 44 нафар шахс 7,2 млн тенге (176,6 млн сўм) билан рағбатлантирилган [11].

Ўзбекистонда қуйидаги тартиб белгиланди: коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилот, давлат органи ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини рағбатлантириш. Унга кўра фуқаролар ва давлат хизматчилари бирор соҳада тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида тегишли органларга хабар беришлари мумкин.

Рағбатлантиришда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб, бюджетдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан 25 бараваригача, пора ёки зарар суммаси БҲМнинг 100 бараваридан ошган тақдирда пора (зарар) суммасининг 15 фоизигача миқдорда пул мукофоти назарда тутилган [12].

*Мазкур хабар бериш ва рағбатлантириш жараёнларига ахборот технологиялари кенг жорий этилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Шунда жамоатчилик назорати доираси янада кенгаяди [13]. Умуман, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш, уни рағбатлантириш тартиби рақамлаштирилиши зарур.*

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан назорат шакллари бундан буён ҳам рақамлаштирилиши керак. Айниқса, жамоатчилик назорати субъектларига рақамли технологиялар асосида қонунда акс этган барча жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш имкониятлари яратилиши муҳим аҳамиятга эга [14].

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”-ги қонуннинг 6-моддасида жамоатчилик назоратининг қуйидаги саккизта шакли белгиланган: давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш.

Жамоатчилик назоратининг бир шакли сифатида давлат органларига юборилаётган мурожаат ва сўровларни рақамлаштиришни таҳлил этсак. Аввало, сўровларнинг мазмуни ҳамда миқдорига оид маълумотлар рақамли технологиялар асосида кузатилишига шарт-шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун ҳар бир давлат органининг расмий веб-сайтларида алоҳида саҳифа ёки махсус электрон платформа яратилиши зарур. Унда келиб тушаётган мурожаат ҳамда сўровларнинг мазмуни ва уларнинг ҳал этилиши натижаларига оид маълумотлар ёритилиши лозим.

Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш билан боғлиқ жараёнлар тизимли рақамлаштирилса, бу соҳадаги амалий ишлар кенг жамоатчиликка очиқланади. Натижалар ҳақида аҳолига маълумотлар бериб борилса, жамият ҳаётидаги долзарб масала ва аҳолини ташвишга солаётган муаммолар тезда ҳал этилади. Бу жамоатчилик назорати принципларига мос келади [15].

Ҳозирча жамоатчилик назорати рақамлаштирилмаган соҳаларда кўплаб муаммолар учрамоқда. Масалан, “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўтказилган ўрганишлар якунлари жамоатчилик назоратидан фойдаланиш ва аниқ натижаларга эришиш ишлари қониқарли эмаслигини кўрсатган. Айниқса, жамоатчилик эшиту-

ви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби нормалар деярли фаолиятга жорий этилмапти. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилот ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳанузгача йўлга қўйилмаган [16].

Фикримизча, бунинг сабаблари қонунни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмаганида. Масалан, 2017 йилда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”-ги қонунга “тегишли прокурорларнинг, Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш”га оид янги қўшимчалар киритилган. Лекин жавобгарлик белгиланмагани учун ушбу нормалар амалиётда деярли ишланмапти. Ёки масъулларнинг ҳисоботлари номигагина тақдим этилмоқда, айрим жойларда эса бу қоидалар умуман эсдан чиққан.

Электрон ҳисобот бериш механизмларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Аввало, электрон ҳисобот беришга оид ҳуқуқий механизмлар қонуности ҳужжатларда эмас, балки қонунлар даражасида мустақамланиши керак. Шу билан бирга, белгиланган мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмагани учун муқаррар юридик жавобгарлик чоралари белгиланиши зарур.

#### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Турли ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши, фуқаролар томонидан улардан фойдаланиш даражаси ортиб бориши айрим жамоатчилик назорати шаклларини рақамлаштириш имкониятларини оширмоқда. Масалан, жамият ҳаётидаги долзарб масалалар, давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги таъминланиши тизимли таҳлил қилиш мақсадида жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш жараёнларида ҳам замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин [17].

Бугунги кунда бу борадаги энг ижобий амалиёт сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тажрибасини эслатиш ўринли. Бунинг учун яратилган махсус электрон платформа – Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси портали (<https://regulation.gov.uz>) бу борада жуда муҳим аҳамиятга эга муҳокамалар майдонига айланмоқда.

2021 йил 20 январь ҳолатига кўра ушбу порталга 8532 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган бўлиб, уларнинг 570 таси қонун; 251 таси Президент фармони; 692 таси Президент қарори; 2442 таси Вазирлар Маҳкамаси қарори; 3036 таси ҳокимлар қарори; 1441 таси турли давлат идораларининг буйруқ ёки қарорлари лойиҳасидир.

Уларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, 908 таси таълим, илм-фан ва маданиятга, 887 таси транспорт масаласига, 668 таси меҳнат ва аҳоли бандлигига, 248 таси уй-жой масалаларига, 241 таси солиқ ва йиғимларга, 237 таси банклар, 239 таси тадбиркорлик фаолиятига ҳамда 3400 дан ортиғи бошқа турли масалаларга тегишлидир. Ушбу ҳужжатлар муҳокамаси даврида жамоатчиликдан жами 35478 та таклиф келиб тушган.

Мазкур электрон портал орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича энг кўп ва мазмунли таклиф билдираётган фуқароларни аниқлаб, уларнинг рўйхати эълон қилиб борилиши, шунингдек, муҳокама иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш бўйича энг намунали ва намунасиз давлат органлари рўйхати сайтга жойлаштирилишини ижобий баҳолаш ўринли [18].

Ўзбекистон амалиётида электрон жамоавий мурожаатлар махсус портали ташкил этилган. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 22 январдаги қарорига асосан “Mening fikrim” махсус веб-портали орқали Олий Мажлис палаталари, халқ депу-

татлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш тартибини жорий этиш белгиланган.

“Mening fikrim” веб-портали Ўзбекистонда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилди. 2018 йил 20 апрелдан бошлаб ишга туширилган бу веб-портал фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигини яна бир бор намоён этди. Буни веб-порталнинг уч йилга яқин вақт оралиғидаги фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

2021 йилнинг 20 январь ҳолатига кўра “Mening fikrim” веб-порталига жойлаштириш учун 4173 та мурожаат тақдим этилган. Уларнинг 89 таси овоз бериш учун муҳокамага қўйилган. Келиб тушган мурожаатларнинг 19 таси қўллаб-қувватлаш жараёнида бўлса, 40 таси экспертиза жараёнида [19]. Веб-портал орқали муҳокамага тақдим этилган масалаларга фуқаролар томонидан 26838 марта изоҳ билдирилгани жамият ҳаётида бунга қизиқиш юқорилигини кўрсатмоқда. Лекин мазкур веб-портални мувофиқлаштирадиган ташкилий тузилма фаолияти ҳозирча ноаниқлигича қолмоқда. Чунки 2020 йил 16 апрелда давлат раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида “Mening fikrim” веб-портали Жамоатчилик палатаси тасарруфига ўтказилиши ҳам кўрсатилган. Шунингдек, Жамоатчилик палатасининг фаолияти унинг ижро органи – юридик шахс ҳисобланган Жамоатчилик палатаси аппарати томонидан таъминланиши белгиланган. Лекин қарийб бир йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, Жамоатчилик палатаси ва унинг аппарати ўз ишини бошламади [20]. Умуман, жамоатчилик муҳокамасининг

ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини янада такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда [21].

Албатта, келажакда барча соҳалар рақамлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг истиқболларини белгилаш муҳим [22]. Лекин бу жараёнларга тўсиқ бўладиган айрим омилларни ҳам таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилиши керак. Соҳадаги мавжуд муаммолар қаторида, аввало, Ўзбекистонда интернет сифати талаб даражасида эмаслигини қайд этиш керак [23]. Айниқса, марказдан олис ҳудудларда интернет тезлиги пастлиги рақамлаштиришда муаммолар туғдиради [24].

Яна бир камчилик – жамоатчилик назорати субъектларининг моддий-техник базаси ҳамда электрон ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги. Сифатли электрон назорат учун замонавий технологиялар талаб этилади. Бу масала ҳам ҳал этилиши керак. Ҳуқуқий механизмлар ва ташкилий-институционал тузилмалар ҳам мукамал эмас. Жамоатчилик назорати бўйича алоҳида қонун бўлса-да, унинг аксарият нормалари декларатив характерга эга. Масалан, объектлар, субъектлар таркиби тўлиқ аниқлаштирилмаган. Амалдаги жамоатчилик назоратининг асосий ва энг самарали турлари қонун билан тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаган. Унинг методологиясига етарли даражада эътибор қаратилмаган [26].

Давлат бошқаруви органларида ҳалихануз аҳоли, жамоатчилик билан ҳисоблашмайдиган мансабдор шахслар фаолият юритаётганини ҳам яна бир муаммо сифатида кўрсатиш мумкин. Албатта, уларнинг сони кундан кунга қисқариб бормоқда. Лекин борлигини тан олиш керак.

Шунингдек, айрим давлат органларида очиқлик, жамоатчилик билан ҳамкорлик тўлиқ таъминланмаган.

## Хулосалар

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳозирги шароитда электрон жамоатчилик назоратини кенг жорий этиш ва амалга ошириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш учун қуйидаги масалалар ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга:

Биринчидан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунга жамият ҳаётидаги янгилинишлар, бошқарув соҳасига замонавий ахборот технологияларнинг кенг татбиқ этилаётганидан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратининг нисбатан таъсирчан, замонавий (масалан, электрон, масофавий ва ҳ.к.) шакллари жорий этишни ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарур.

Бунда жамоатчилик назоратини электрон амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, турли электрон платформалардан фойдаланиш тартиби аниқ белгилалиши керак. Соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видеоматериалларни жойлаштиришга мўлжалланган махсус веб-порталлар орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, давлат органларининг электрон ҳисобот беришига оид тартиб ва қоидалар ҳам мазкур қонунда ўз аксини топиши зарур.

Иккинчидан, жамоатчилик назоратининг ҳозирги амалиётда нисбатан энг кўп қўлланилаётган шакли – жамоатчилик муҳокамасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қолаверса, бунда электрон тарзда амалга ошириш зарурати кучайиб бораётганидан келиб чиқиб, уни мукамал ҳуқуқий тартибга солишга йўналтирилган “Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Унда, аввало, электрон жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ва унда иштирок этиш тартиби, муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг асосий йўналишлари ва доираси, муҳокамани ўтка-

зиш вақти ва муддатлари, давомийлиги, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа муҳим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши керак.

Учинчидан, жамоатчилик назоратининг “ҳисобот бериш” шакли самарадорлигини ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “мансабдор шахсларнинг маҳаллий кенгашлар, фуқаролар йиғини ҳузурида ҳисобот беришига оид жамоатчилик назорати шаклига тегишли мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги”га нисбатан жавобгарлик чоралари қўшимча сифатида киритилиши зарур.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаёти ва бошқарувидаги иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётган “Mening fikrim” веб-портали фаолиятини янада кучайтириш зарур. Бунинг учун, энг аввало, Президент ҳузуридаги Жамоатчилик пала-

таси ва унинг ижро аппарати ўз фаолиятини тезроқ бошлаши муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, электрон жамоатчилик назоратининг ташкилий-техник базасини янада ривожлантириш учун махсус электрон платформалар, дастурий таъминот тизимлари яратилиши зарур. Унда жамоатчилик назорати субъектларига давлат бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан назорат ўрнатиш учун зарур бўлган барча қулайлик ва имкониятлар яратилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминлашга, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари масъулиятини янада оширишга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари янада кучлироқ ҳимояланишига хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Digital government and its effectiveness in public management reform: A local government perspective. *Public Management Review*, 2005, September, no. 7 (3), pp. 465-487. DOI: 10.1080/14719030500181227/.
2. Makarova O.V. Ispol'zovanie potentsiala grazhdanskogo obshhestva v osushhestvlenii obshhestvennogo kontrolja v Rossii i zarubezhnyh gosudarstvah [Using the potential of civil society in the implementation of public control in Russia and foreign countries]. *Zhurnal zarubezhnogo zakonodatel'stva i sravnitel'nogo pravovedeniya – Journal of Foreign Legislation and Comparative Law*, 2018, no. 2 (69).
3. Bujanov Y., Mikheeva T. Legal Aspects of Public Control in the Regions of the Russian Federation. *Proceedings of INTCESS 2017 4th International Conference on Education and Social Sciences*, 2017, pp. 6-8.
4. Goncharov V.V. O sootnoshenii obshhestvennogo kontrolja s inymi formami kontrolja vlasti (konstitucionno-pravovoj analiz) [On the correlation of public control with other forms of power control (constitutional and legal analysis)]. *Juridicheskie issledovaniya – Legal research*, 2018, no. 9.
5. Starodubova O.E. Obshhestvennyj kontrol': pravovaja podderzhka [Public control: legal support]. *Zhurnal rossijskogo prava – Journal of Russian Law*, 2013, 2 (194).
6. Zubarev S.M. Ponjatie i sushhnost' obshhestvennogo kontrolja za dejatel'nost'ju gosudarstvennyh organov [The concept and essence of public control over the activities of state bodies]. *Administrativnoe pravo i process – Administrative law and process*, 2011, no. 5, pp. 7-13.
7. Zubarev S.M. Novye tehnologii obshhestvennogo kontrolja: real'nost' ili illjuzija? [New technologies of public control: reality or illusion?]. *Vestnik Permskogo universiteta. Juridicheskie nauki – Perm University Bulletin. Legal Sciences*, 2019, no. 43.

8. Talapina Je.V. Pravo i cifrovizacija: novye vyzovy i perspektivy. Gosudarstvo i pravo v sovremennom mire: problemy teorii i istorii [Law and digitalization: new challenges and perspectives. State and law in the modern world: problems of theory and history]. Zhurnal rossijskogo prava – Journal of Russian Law, 2018, no. 2, pp. 6-8.

9. Umarov O. Raqamli tehnologijalar innovacijalar rivojiga keng yo'l ochadi [Digital technologies pave the way for the development of innovations]. Available at: <http://www.xs.uz/>.

10. Hachatrian M.S. Predely pravovogo regulirovaniya obshhestvennogo kontrolya [Limits of legal regulation of public control]. Juridicheskie issledovaniya – Legal research, 2017, no. 9.

11. Nurmatov R. Korrupsiya haqida xabar berganlar rag'batlantiriladimi? [Will those who report corruption be encouraged?]. Available at: <http://www.hudud24.uz/>.

12. Korrupsiyaga oid huquqbuzarlik haqida xabar bergan yoki korrupsiyaga qarshi kurashishga boshqa tarzda ko'maklashgan shaxslarni rag'batlantirish tartibi to'g'risidagi nizom [Regulations on the procedure for rewarding those who report corruption offenses or otherwise assist in the fight against corruption]. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi – National Database of Legislation, 31.12.2020, no. 09/20/829/1693. Available at: <https://www.lex.uz/>.

13. Mikheev D.S., Dudko I.G., Mikheeva T.N. Public control in the mechanism of realization of the principle of local authority publicity. Mediterranean Journal of Social Sciences, 2015, vol. 6, no. 3, pp. 7-41.

14. ResearchGate. Available at: <https://www.researchgate.net/project/electronic-public-control-essence/>.

15. Nuzhnova S.L., Terent'eva M.S., Kljushnikov S.S. Analiz principov instituta obshhestvennogo kontrolja kak instrumenta vzaimodejstviya grazhdanskogo obshhestva i gosudarstva [Analysis of the principles of the institution of public control as an instrument of interaction between civil society and the state]. Nauka i obrazovanie – Science and education, 2016, no. 4, pp. 89-92.

16. Tulyakov E. Jamoatchilik nazoratida jarayon emas, natija muhim [The result is important, not the process, in public scrutiny]. Available at: <https://www.strategy.uz/> (accessed 29.01.2020).

17. Zulfiqorov Sh.X. Mamlakatimizda qonun loyihalarini tayyorlash va qonunlar ijrosini nazorat qilishda deputatlar hamda keng jamoatchilikning ishtiroki [Participation of deputies and the general public in the preparation of draft laws and control over the implementation of laws in our country]. Yuridik fanlar axborotnomasi – Review of law sciences. DOI: 10.34920/rls.1.2020.22-26/.

18. Usmanov M.Sh., Dzhevakova K.V. Obshhestvennyj kontrol' – jeffektivnoe sredstvo v dostizhenii verhovenstva Konstitucii i zakonov [Public control 'is an effective means of achieving the supremacy of the Constitution and laws]. Pravda Vostoka – Truth of the East, no. 253. 13.12.2019.

19. Mening fikrim. Jamoaviy murojaatlar portali – My opinion is the Collective Appeals Portal. Available at: <https://meningfikrim.uz/>.

20. Jamoatchilik palatasi nega jim? [Why is the Public Chamber silent?]. 2021, January 22. Available at: <https://telegra.ph/>.

21. ResearchGate. Available at: [https://www.researchgate.net/publication/347994411\\_Suhrat\\_AKUBOV\\_Davlat\\_va\\_fukarolik\\_jamiati\\_institutlari\\_hamkorligining\\_hukukiy\\_mehanizmlari\\_Monograia\\_-\\_T\\_LESSON\\_PRESS\\_nasrieti\\_2018\\_-\\_205-b/](https://www.researchgate.net/publication/347994411_Suhrat_AKUBOV_Davlat_va_fukarolik_jamiati_institutlari_hamkorligining_hukukiy_mehanizmlari_Monograia_-_T_LESSON_PRESS_nasrieti_2018_-_205-b/).

22. Sodikov A. The ways to optimise the use of information technologies in norm making. Yuridik fanlar axborotnomasi – Review of law sciences, 2020, special issue, pp. 21-24.

23. "O'zbektelekom" uxlayotgan gigantga o'xshaydi. O'zbekistonda internet sifati nima sababdan yomon? [Uzbektelecom is like a sleeping giant. Why is the quality of the Internet poor in Uzbekistan?]. Available at: <https://www.kun.uz/>.

24. 2019 yilda O'zbekistonda internet tezligi oshadimi? [Will the Internet speed increase in Uzbekistan in 2019?]. Available at: <https://www.xs.uz/>.

25. Najimov M. Theoretical and methodological aspects of the institution of public control, Review of law sciences, 2017, vol. 1, iss. 1, article 3. Available at: [https://www.uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol1/iss1/3/](https://www.uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/3/).